

**Судланувчининг ҳаракатлари нимага қаратилгани тўлиқ текширилмаганлиги суд қарорлари ўзгартирилишига сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2004 йил 20 декабрдаги ҳукмига асосан, Н. ЖК 25,97-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан ЖК 57-моддаси қўлланиб, 12 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2005 йил 18 январдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Н. 2004 йил 29 октябрь куни маст ҳолатда олдиндан келишмай юрган ҳамқишлоғи Т.ни қасддан ўлдириш мақсадида уйига бориб, Т.нинг юзига уриб, ёнидаги пичоқни бўйин соҳасига тираб “ўлдираман” деб турган пайтда, шовқинни эшитиб уйдан чиққан Т.нинг набираси Х.ни кўриб, унга сени ўлдираман деб кўлидаги пичоқ билан орқасидан қувлаб, ушлай олмасдан, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда ўз мақсадини охиригача етказолмаган.

Шундан сўнг Н. яна Т.нинг олдига қайтиб келиб, уни ўлдириш мақсадида кўлидаги пичоқ билан қорин қисмига бир марта уриб, Т.нинг кўлидаги ҳассаси билан унинг бадани ва юзига бир неча маротаба уриб, уни ўлган деб ўйлаб, воқеа жойидан кетиб яширинган. Т.га ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатилиши натижасида ҳаёти сақланиб қолинган.

Суд-тиббий экспертизаси Т.нинг чап чакка пастки жағи чап томонида санчилган яралар, қорнининг ўрта ўнг томонида қорин бўшлиғига тешиб кировчи санчилган, кесилган тан жароҳати мавжудлиги, ушбу жароҳати ўткир санчувчи кесувчи жисм (пичоқ) таъсирида етказилганлиги, жароҳатлар

жойлашувига кўра ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати гуруҳига киришлигини аниқлаган.

Н.нинг жиноий ҳаракати ўзининг иқрорий кўрсатувлари ҳамда иш материалларида тўпланган далиллар билан исботланган. Суд содир этилган жиноят ҳолатларини тўғри аниқлаган бўлса-да, аммо Н.нинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 3-бандида қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин, чунки бунда айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, жабрланувчининг ўлимига кўзи етган ва унинг ўлимини истаган бўлади, бироқ ўлим айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра юз бермайди. 6-бандида икки ва ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдириш, агар айбдорнинг ҳаракатлари ягона қасд билан қамраб олинган ва одатда, бир вақтнинг ўзида содир этилган бўлса, ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг “а” банди билан квалификация қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Шу сабабли айбдорнинг жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш ниятида ҳаракат қилган-қилмаганлигини, ўлим юз беришини истаган-истамаганлигини ва қандай ҳолатлар исталган натижа юз беришига тўсқинлик қилганлигини аниқлаш зарур.

Суд Н.нинг жиноий ҳаракатларини қасддан одам ўлдиришга суиқасд деб, квалификация қилишда унинг қасди нимага қаратилганлигини, унинг ўз ҳаракатлари оқибатида, яъни жабрланувчи Х.ни ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олмаган.

Иш ҳолатларидан кўринишича, Н. спиртли ичимлик истеъмол қилиб маст ҳолда ўзининг ҳаракатлари билан қўшниси Х.ни ўлдириш билан кўрқитиб қувлаган бўлсада, унга етаолмагач, ўз ҳаракатини тўхтатган.

Бундай ҳолатда Н.нинг ҳаракатларини Х.ни қасддан ўлдиришга қаратилган деб бўлмайди.

Биринчи ва апелляция инстанция судлари ишни кўришда ушбу ҳолатларни инобатга олмай ва қонун ҳамда Олий суд Пленумининг талабларига риоя қилмай, Н.нинг ҳаракатларини икки шахсни ўлдиришга суиқасд қилган деб нотўғри баҳолаб хатога йўл қўйган.

Иш материалларидан кўринишича, Н. жабрланувчи Х.ни ўлдириш мақсадида эмас, балки уни кўрқитиш мақсадида пичоқ билан қувлаганлиги исботланган.

Чунки ушбу ҳолатни жабрланувчилар Т., Х. ва гувоҳ Х. ҳам тасдиқлашган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2007 йил 10 июлдаги ажрими билан Н.га нисбатан суд қарорлари ўзгартирилиб, Н.нинг ҳаракатлари ЖК 25,97-моддаси 2-қисмининг «а» бандидан шу Кодекс 25,97-моддасининг 1-қисмига ҳамда 112-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилиниб, Н.га ЖК 25,97-моддасининг 1-қисми билан ЖК 57-моддаси қўлланилиб 7 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖК 112-моддаси 1-қисми билан 6 ой қамоқ жазоси тайинланиб, ЖК 59, 61-моддалари тартибида узил-кесил 7 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Суд қарорларининг Н.га нисбатан қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилди.

***ЖСҲ-117-07 сонли ажрим***

